

ЖАҲОЛІК СЎЗІ



1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2 май, пайшанба, 1996 йил
Сотувда эркин нархда. № 86 (1339)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ГАЛАБА КУНИ БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг Ўзбекистон Республикаси давлат манфаатларини ҳимоя қилишдаги катта хизматлари учун ва 9 май Галаба куни байрами муносабати билан:

1. Иккинчи жаҳон уруши ноғиронлар ва қатнашчилари, шунингдек, байналмилал жангчилардан бўлган ноғиронлар энг оз иш ҳақининг 2,5 баравар миқдоридagi пул мукофоти билан тақдирлансин.

2. Ушбу Фармонни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар республика бюджети маблаглари ҳисобидан қоплансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Ижтимоий таъминот вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ушбу мукофотнинг тулалигини таъминласинлар.

4. Дам олиш куни 1996 йил 12 май якшанбадан 1996 йил 10 майга кучирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 1 май.

ЭЛЧИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Олий Мажлис Раиси Э. Халилов 1 май куни Корея Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқуллоҳ ва Мухтор элчиси Со Кон Ини унинг илтимосига биноан қабул қилди. Учрашув чоғида парламентларо алоқаларни мустақамлаш ва Олий Мажлис делегациясининг Корея Республикасига қилажак сафарига доир масалалар муҳокама этилди.

ЖАМИЯТНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

1996 йил 27 мартда қимматли қоғозлар бозорининг самардорлигини ошириш ва уни давлат йўли билан тартибга солиш, унинг қатнашчилари феолиятини мувофиқлаштириш мақсадида мамлакатимиз Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузурда қимматли қоғозлар бозори ишлашини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинган эди. Мазкур Фармоннинг 4-бандида Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг республика «Тошкент» фонд биржасининг қимматли қоғозлар бозори қатнашчиларига маслаҳат-аудиторлик ва ахборот хизматларини кўрсатувчи ноҳукумат агентлигини ташкил қилиш, шу агентликка хусусийлаштиришдан тўшаётган маблаглар ҳисобидан 20 миллион сўм миқдорда қайтариб олинмайдиган бир йўла молиявий ёрдам кўрсатилиши таъкидланган.

Куни-кеча Давлат мулки қўмитасида ана шу масалага бағишланган таъсис йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, республика Давлат мулки қўмитасининг раиси В. Чжен бошқарди. Йиғилишда жамиятнинг низоми қабул қилиниди, мақсад ва вазифалари, ҳуқуқ белгилари олинди. Шунингдек, бош дирекцияси, бошқарув ва назорат органлари, кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси сайланди.

ШТАБ ЙИГИЛИШИ

Бухоро вилоятининг Қоровулбозор туманида бўлиб ўтказилган нефтни қайта ишлаш заводида ушбу завод қурилиши республика штабининг йиғилиши бўлди. Уни Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков бошқарди.

Йиғилишда мазкур корхонада шу йилнинг тўрт ойи мобайнида амалга оширилган ишлар атрофлича таҳлил этилиб, белгиланган режа анча ошириб бажарилгани таъкидланди. Айни вақтда республика Мелиорация ва сув ҳўжалиги вазирлиги, «Бухороирқурилиш» трести сув иншоотларини барпо этишда сусткашликка йўл қўяётгани кескин танқид қилинди, бу борада аниқ топшириқлар берилди. Завод қурилишини янада жалаллаштиришда ички имкониятлардан тулиқ фойдаланиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда Бош вазирининг ўринбосарлари Қ. Ҳаққулов, Р. Юнусов, Бухоро вилояти ҳокими М. Раҳмонов қатнашди.

БУХОРОНИНГ 2500 ЙИЛЛИГИ ТАРАДУДИ

Бухорода қадимий шаҳарнинг 2500 йиллигига тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш республика ташкилий қўмитасининг йиғилиши бўлди. Унда тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари қатнашди.

Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, мазкур ташкилий қўмита раиси И. Жўрабеков йиғилишда сўзга чиқиб, бу борада амалга оширилган ишлар ҳали талаб даражасида эмаслигини қайд этди. Бухоро Шарифнинг жаҳон миқёсида нишонланган улкан тўйига пухта тайёргарлик кўриши, юбилей объектларини таъмирлаш ишларини тезлаштириш зарурлигини таъкидлади.

Йиғилишда Бош вазирининг ўринбосари Р. Юнусов, Бухоро вилояти ҳокими М. Раҳмонов иштирок этди.

UZINFO **МАРКАЗИ** **ДУНЁ :** **ЭНГ** **СЎНГИ** **ВОҚЕАЛАР**

ҲИНДИСТОНДА парламент сайлови бўлиб ўтди. Мазкур сайловнинг ўзига хос томони шундаки, унда 14 минг 474 нафар кишининг номзоди кўйилди. Шулардан 11 минг нафари мустақил номзодлар ва 3 минг нафардан зиёди эса сиёсий партиялар вакиллари. Умуман сайловда жами 8 та миллий ва 39 та ҳудудий сиёсий партия иштирок этди.

АҚШ Президенти Билл Клинтон ва Исроил Бош вазири Шимон Перес терроризмга қарши ҳамкорликда курашиш тўғрисида шартномага имзо чекшиди.

БОСНИЯДА юзлаб мусулмон қочоқларини серблар уйлари ва қабристонларни зўраб қилишга кириштирмади. Ана шундай тўқнашуларда икки нафар мусулмон ҳалок бўлди. Босния ҳўкумати ва НАТО ўртасидаги муносабатлар шу воқеалар муносабати билан бироз таранглашди.

ЛИВАНДА Исроил артиллерияси снарядларидан ҳалок бўлган 90 нафар фуқаронинг дафн маросими бўлди. Маросим пайтида христиан черковларида кўнграқлар овози янграб турган бўлса, мусулмонлар масжидларида эса шаҳидлар ҳақиқа Қурьон тиловат қилинди.

ИСРОИЛ қўшинлари Жанубий Ливандаги хавфсизлик зонасида қилишга қарор қилди. Аммо Фаластиннинг Хербон шаҳри гарбидан Исроил қўшинлари тез орада олиб чиқиб кетилади.

БРАЗИЛИЯНИНГ Ресифи шаҳрида сув тошқини ва кўчки натижасида 30 нафардан зиёд киши ҳалок бўлди, кўплаб кишилар бошпанасиз қолди. Мамлакат шимолда бир неча кундан буён тўхтовсиз ёғадиган кучли ёмғир ана шундай оқибатларга олиб келди.

УКРАИНА Олий Кенгаши Раиси Александр Мороз журналистлар билан учрашувда мамлакатнинг янги Конституцияси ишонч ойнача қабул қилинишини маълум қилди. Парламент раиси Конституция референдум йўли билан қабул қилиниши бузунги шартнома тўғрисида келмайдиган, деди. Чунки референдум учун 10 триллион қорбованец зарур ва унинг натижалари турли вилоятларда турлича бўлиши мумкин, деди А. Мороз.

ХИТОЙ Жамоат хавфсизлиги вазирлигининг гўёҳвандликка қарши кураш бошқармаси ходимлари Гуанчжоу шаҳрида 600 килограмм қорадорини мусодара қилди. Хитой ҳўқўқ-тартибот хизмати вакилининг айтишича, 1949 йилдан буён бундай катта ўлжа илк бор қўлга тушди. Тадбир натижасида 39 нафар жиноятчи ҳибсга олинган. Уларнинг барчаси Ганкунда фолият олиб бораётган яширин жиноий гуруҳ аъзолари бўлган.

«ҲАВАС» ТЕННИС ТУРНИРИ

У 6 МАЙ КУНИ ТОШКЕНТДА ОЧИЛАДИ

Ўзбекистонда ўзига хос янги бир анъанага асос солиштириш, у кўпларга намуна бўлиши мумкин. Шу йил 6-8 май кунлари республикада «Хавас» теннис турнири ўтказилиб, унда мамлакатимизнинг турли бўғин раҳбарлари иштирок этишад.

Ана шу беллашув ҳусусида муҳбиримиз турнир ташкилий қўмитаси раиси, республика Теннис федерацияси бошлиғи, соғлиқни сақлаш вазири Ш. И. Каримов билан сўхбатлашди.



— Шавкат Иброҳимович, аввало турнирнинг мақсади ҳақида қисқача сўзлаб берсангиз.

— Шунини таъкидламоқчиманки, ушбу турнирнинг ташаббускори Президентимиз Исроил Абдуғаниевич Каримовдир. Бу беллашувдан кўзланган бош мақсад нафақат теннисни оммалаш-

тириш, балки барча бўғиндаги раҳбарларнинг жисмоний машғулотлар билан шуғулланишини таъминлаш ва улар орқали спортни янада кенг омма орасида тadbик этишидир.

Ўзбекистонда, айниқса, сўнгги йилларда жисмоний тарбия ва спортга ниҳоятда катта эътибор ажратилипти

ва бу тасодифий ҳол эмас. Биз нафақат маънавий, балки жисмоний бақувват инсонларнинг саёй-ҳаракатлари билангина буюк давлат курамыз. Агар раҳбарлик лавозимларида ишлаётганлар спортга қанчалик кўп эътибор беришса ва асосийси, улар бу борада шахсий намуна кўрсатишса, нур усти-

га аъло нур бўлиши табиий ҳол. Шу боис ҳам «Хавас» турнирида республикаимиз вилоятларининг биринчи раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари, йирик шаҳарларнинг ҳокимлари, парламент Раиси, Бош вазирининг ўринбосарлари, вазирлар ва йирик бирлашмаларнинг бошлиқлари иштирок этиши мўлжалланган.

— Энди ушбу мусобақаларнинг тартиби ҳақида ҳам икки оғиз сўзласангиз.

— Турнир икки босқичда ўтказилади. Унинг ilk босқичи 6-7 май кунлари «Динамо» теннис клуби кортларида, финал қисми эса 8 май куни «Юнусобод» спорт мажмуасида бўлиб ўтади. Мусобақа қатнашчилари «теннисчилик стажига» қараб уч гуруҳга бўлинган. Биринчи гуруҳга бир йил-

гача, иккинчисига бир йилдан уч йилгача ва учинчи гуруҳга уч йил ва ундан юқори стажга эга бўлган ўйинчилар киритилган.

— Голибларни қандай мукофотлар кутмоқда?

— Турнир голибларига махсус кубок ҳамда турли совринлар топширилади. Аммо энг олий мукофот менимча, бу «Хавас» деб номланган ана шу турнирнинг жорий этилиши. Ишончим комилки, у анъанавий бўлиб қолади ва келажакда ана шундай беллашувлар нафақат мамлакатимиз пойтахти, балки вилоятлар ҳамда туманларда ҳам ўтказилади.

— Узингиз ҳам мусобақада иштирок этасизми?

— Албатта! Мен спортнинг ушбу турини севаман ва у билан бир неча йилдан буён шуғулланиб келяман. Аммо врач, қолаверса, соғлиқни сақлаш вазири сифатида ана шу мусобақада қатнашиб, спортни янада ривожлантиришга амалий ҳисса қўшишимдан хурсандман. Фурқатдан фойдаланиб, тиббиёт ходими сифатида шунини тавсия қилмоқчи эдимки, агар инсон кунига бир ёки икки соат вақтининг спорт билан шуғулланишга бағишласа, унинг руҳи ҳаммаша тетик бўлади, иш унумдорлиги бир неча бараварга ошади. Бунда, айниқса, тенниснинг роли ниҳоятда беқисдир.

Б. ҲАСАНОВ сўхбатлашди.

ЖУРНАЛИСТЛАР ДИҚҚАТИГА!

3 май, жума куни, кундузи соат 11 да республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг кичик залида «Хавас» теннис кубоги юзасидан матбуот конференцияси бўлиб ўтади.

ТАҒИМ ИККИТА ҚЎРИҚХОНА

Самарқанд вилояти табиати муҳофаза қилиш қўмитасининг фан-техника тарихини ва тартибот бўлимининг бошлиғи Қўдратилла Ҳайдаров вилоятда «Омонқўтон» қўриқхонаси ва «Қўработ» қўриқхонасини ташкил этиш ташаббуси билан чиқди ва бу эъзу мақсад йўлида дастлабки қадамлар ташланди.

Агар «Зарафшон» қўриқхонаси тустовуқ каби ноёб қўшларни асраш ва қўпайтириш учун хизмат қилса, «Омонқўтон» қўриқхонаси йўқолиб бораётган усимликларни, «Қўработ» қўриқхонаси эса «Қўрил китоб»га киритилган ҳайвонларни асрашга хизмат қилади.

МУСАВВИРЛАР «БЕЛЛАШУВИ»

Буюк ўзбек мусаввири Камолдин Бехўод таваллудининг 540 йиллигига бағишлаб Жиззах санъат билим юртида «Энг яхши тасвир санъат асари» кўрик-танлови ўтказилди.

Унда ўттиздан ортиқ маҳаллий расомларнинг «Ватаним жилolari» мавзундаги чиэгилари намойиш этилди. Санъат билим юртининг бадий бешаз бўлими муаллими Ғайрат Маҳматмурод мўйқаламга мансуб асарларга ҳакамлар ҳайфати томонидан энг юқори баҳо берилди.

11 ТА «МЕРСЕДЕС» ОҚМАНГИТТА КЕЛДИ

Хоразмда йиғилган «Мерседес-Бенц» юк автомобилларининг ўн биттаси Нукус тумани маркази — Оқманғитта етиб келди. Уларни «Узавтотранс» бирлашмасининг Оқманғитта автосаройи жамоаси сотиб олди.

Жаҳон автомобилсозлигининг энг юксак андоза-

лари асосида тайёрланган, бир йўла 30 тонна юк кўтари оладиган бу «паҳлавон» машиналар деҳқонлар етиштирган нозу неъматларини узоқ-яқин манзилларга ўз вақтида етказишда жуда қўл келади. Ушбу юк автомобилларини уч хил, яъни брезентли, совутигичли ва изотермик қўзовларга эга. Автосарой жамоаси ҳар бирининг баҳоси 12 миллион сўмни ташкил қилган бу автомобиллар пулининг бир қисминини тўлашди, ҳолос. Қолган қисми 5 йил давомида аста-секин тўлаб борилади.

НЕГА КИЧИК КОРХОНАГА ЖЎНАТИШЯПТИ?

Булқобчи туманининг Ширмонбулоқ қишлоғида сутни қайта ишлайдиган цех ишга тушди.

Бу кичик завод учун замонавий ускуналарни «Алджонсүт» акционерлик жамияти етказиб берди. Бу ерда ҳар куни 10 тоннагача сут қайта ишланиб, ундан қаймоқ,

саригў, пишлоқ ва сузма тайёрланмоқда. Мазали бу маҳсулотлар туман аҳолиси томонидан харид қилинмоқда, даволаш, мактабгача тарбия муассасаларида тарқатилмоқда.

Эндиликда қўшни ҳўжаликдаги фермерлар ҳам ортиқча транспорт харажатларининг сутни кичик корхонага жўнатишдан манфаатдор бўлишяпти.

ЯНГИЛИКЛАР

«Халқ сўзи» ва «Ўза» муҳбирлари хабар қилдилар



«Бағдод» жамоат ҳўжалиги Бағдод туманидаги эмас, вилоятда ҳам лешқаддам ҳўжаликлари билан сифатида тилга олинди. Бу йил ҳўжалик пахтакорлари 900 гектар майдонга чигит экиб, ҳар гектар майдондан рожадиги 31,5 центнер ўрнига 40 центнердан ҳосил етиштириши ниятдодлар.

СУРАТДА: моҳир механикатор Турғунвали Зокиров.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олинган сурат.

Нукусдаги «Билим» нарийнати дарсчиларни лотин алифбосида назира тайёрлашга киришад. Бошланғич синф ўқувчилари учун дастлабки дарсчилар тайёрланди. Нарийнот ходимларига махсус компьютерларни мукамаллаштиришда тошкентлик мутахассислар ёрдам беришди.

Олимпиклик иккинчи жаҳон уруши фахрийси Евбосар Мирзаева Украинаниннг Луцк шаҳридан, қуролдан дўсти Валерий Мамакандан мактуб келди. Мактуб эваси уруш йилларида Волин вилоятида фашистлар томонидан тузланган «Норд-365» концлагерида ҳалок бўлган 626 нафар маҳбуслар рўйхати аниқланганини хабар қилади. Улар орасида ҳақиқат қадар бедарак йўқолиб қолган деб ҳисобланган ўзбеклар ҳам таълиғина экан.

2 ЭЛИМИЗ БЕРТАН ВАКОЛАТ
3 ҲАР БИР ЎЗБЕКИНИ, ҲАР БИР ЎЗБЕКИСТОНЛИКНИНГ АЙНИ КўНГЛИДАГИ ҲУЛОСА

4 ХАЛҚ БАНКИ: ИЖТИМОЙ ҲИМОЯНИНГ ЯНГИ УСУЛЛАРИ

4 «УТИ»НИ ТУШУНИШ ЧЕМПИОН МАҲАБУБИЯТГА УЧРАДИ

«ҚУВАСОЙЦЕМЕНТ» ҳиссдорлик жамияти янги хил шифер ишлаб чиқаришни ўзлаштириди. Эндиликда унинг таркибига тақчил асбест билан бир қаторда пахта чиқиндилари ҳам қўшилади. Бунда аввало асосий хомашё тежалади, маҳсулот таннархи анча арзонлашади.

Аз Хоразмий номи Урганч давлат университети қошидаги санаторий-профлакторийда университет домчалари ва талабаларидан ташқари вилоятдаги юзларча таълимчиларни масканларининг муваммалари ҳам ҳордиқ чиқариб, саломатлигини тиклашади. Саломатлик муассасаси шаҳардаги муваммалар малакасини ошириш илмоҳусида келадиган ўқитувчиларга ҳам ҳаминша намуналик хизмат кўрсатиб келмоқда.

Олий Мажлис сессиясидан кейинги ўйлар



— Сайёра Шарофова, республикамиз фуқароларининг ҳуқуқлари ва эркинликларини Конституцияда, мустақил Ўзбекистоннинг қатор Қонунарида белгилаб берилган ҳамда улар тўла қамролланган. Мадомки шундай экан, Сиз ўзинингиз бу жараёндаги асосий бурчингиз ва ўринингизни намадан иборат деб биласиз?

— Гап масалага қайси жиҳатдан ёндашишга боғлиқ, албатта. Республикада қабул қилинган қонунларнинг муваффақиятли ижроси ҳуқуқий давлатчиликни шакллантириш, демократик жараёнларни чуқурлаштиришда катта аҳамият касб этади. Бу ўринда изоҳнинг ҳождати бўлмас керак. Содароқ қилиб айтганим бўлсам, парламент вакили сифатида меннинг асосий вазифам инсон ҳуқуқлари борасидаги қонун нормаларига

тўла ва оғишмай риоя этилишини таъминлашдан иборат. Олий ҳокимият, мазкур лавозимни таъсис этаркан, бунда биринчи навбатда фуқароларнинг ҳаётий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда иш тутди, деб ўйлайман. Зеро, мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ демократик йўлни танлаган жамиятимиз учун инсон қадр-қиммати, шан-шавкати, ҳақ-ҳуқуқи ҳамма нарсадан устувордир.

Бугунги тараққийёт мезонини барча соҳада туб ўзгаришларни талаб этаётган. Шу муносабат билан кейинги йилларда мамлакатимизда қонунчилик асосларини жаҳон андозалари даражасига кўтариш, унинг таъкидлий тузиллигини янгилашга катта эътибор берилмоқда. Сўз инсон манфаати устидан барор экан, халқро ҳуқуқнинг тан олинган принциплари ва нормаларидан кўз юмиш ҳам адолатдан

эмас. Илгари жаҳон таърибасида биздаги вакилликка ўхшаш ҳуқуқий мақомлар бўлган. Чунончи, ўтган асрда, аниқроғи, 1809 йилда Швецияда биринчи марта «омбудсман» лавозими жорий этилган тарихдан маълум.

Албатта, биз ҳар бир масалада хорик таърибасидан кўр-кўрона нухса кўчиришга қаршимиз. Бунда аввало, халқимизнинг миллий хусусияти, урф-одатлари, ўзига хос бозор йўлини танлаган республикамизнинг тараққийёт даражаси, ички имкониятлари назардан четда қолмаслиги лозим. Шундай бўлса ҳам, ҳаёт амалиётидаги ўзгаришлар ҳисобга олинган ҳолда ҳозир янги қонун лойиҳаси тайёрланмоқда. Бунда инсон ҳуқуқлари бўйича Олий

Мажлис вакилининг ҳуқуқий мақоми, бурчи ҳамда вазифалари, асосий функцияси ўз ифодасини топади.

— Айтингчи, парламент вакилига мурожаат қилишда бирон-бир чекловлар йўқми?

— Йўқ, Парламент вакили Ўзбекистон фуқаролари билан бирга чет эллик муҳожирачига, шунингдек, республикамиз ҳудудига яшаб турган, фуқаролиги бўлмаган шахсларга зарур ҳуқуқий ёрдам кўрсатишга

қўқи, меҳнат низоларига оиддир. Очигини айтиш керак: амалдаги қонунларимиз, табиийки, барча ҳаётий иқдорларни қамраб ололмади. Олий Мажлис қўмиталарига ана шу ҳақда аниқ таклифлар киритиш, у ёки бу қонунни такомиллаштириш, қўшимчалар ва шарҳлар билан тўлдириниш амалиёти ёрдам кўрсатиш ҳам бизнинг вазифамиз доирасига кирди.

— Албатта, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муҳим ва шарафли вазифа. Сиз

қанда мақом гаплар айтилади. Ҳақиқий аҳвол эса бошқачароқ экан...

Тажриба шунини кўрсатаяптики, республикамизда ҳуқуқий тарғибот ишлари кўнгилдагидек ташкил этилмаган. Бизга мурожаат қилаётган аксарият кишилар мавжуд қонунларни, ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билмайдилар. Мана, лоақал кейинги воқеани олиб кўрайлик. Алоқа хизмати ходими ўз оиласи билан ташкилот ётоқхонасида узоқ йиллар давомида махсус

— Сайёра Шарофова, аёллик феъл-атворингиз мазкур лавозимда ҳолис ва объектив иш тутишингизга ҳалақит қилмайдими?

— Ҳаммаси одамнинг ўзига боғлиқ. Менинг бурчим таъбир жоиз бўлса, одамлар ташвиши билан яшашни, улар билан бирга кулиб, бирга йўланишга тақозо этади. Бу ўринда айнан аёлларга хос фазилатлар, самимият, юмшоқ кўнгилчилик, меҳр-саховат ҳамма нарсадан кўпроқ зарур, деб ўйлайман. Агар қа-

ти?

— Аввало шунини таъкидлаш керакки, Ўзбекистон мустақил давлат сифатида БМТ, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик (ЕХХТ) ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзосидир. У инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясини яқдиллик билан қўллаб-қувватлаб келмоқда. ЕХХТ доирасида инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига оид учта асосий ҳужжат имзоланган. Утган қисқа давр мавбуйида Ўзбекистон қўллаб-қувватлаб келган, жаҳон ҳуқуқ ҳамжамиятларига аъзо бўлиб кирди. Олий Мажлисининг яқин келажақдаги сессияларида инсон ҳуқуқлари бўйича бир қатор халқаро конвенцияларни қўриб чиқиш ва ратификация қилиш мўлжалланмоқда.

ЭЛИМИЗ БЕРГАН ВАКОЛАТ

Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, республика Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси, полимерлар физикаси ва химияси институтининг директори С.Ш.Рашидова билан мулоқот

булимга эркаклар, асорат, асола амалии ишга киришди. Уни рўёбга чиқаришда манфаатдор дипломатик муассасалар ҳамда халқро ташкилотларнинг фаол иштироки эътибор қилинди. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш, бу борадаги минтақавий тадбирларни амалга оширишда ЕХХТ Марказий Осиё мамлакатларига беғариз ёрдам кўрсатишга. Яқинда Тошкент шаҳрида унинг Бюроси ўз фаолиятини бошлади.

Айтмоқчи, 1996 йилда БМТнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари билан жиддий шуғуллана бошлаганига ўн йил тўлади. Бу хайрли жараёнда Ўзбекистоннинг ҳам ўз ўрни ва сезиларли ҳиссаси бор, албатта.

давлат этилган. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилишига оид барча аризалар қўриб чиқиш учун қабул қилинади. Бунда, албатта, биринчи шахснинг ўзи мурожаат этиши шарт эмас. Бу ишнинг розилиги билан яқинлари, қариндош-уруғлари қилишлари ҳам мумкин.

Парламент вакили ҳузурида махсус комиссия фаолият кўрсатишда. Комиссия аъзоларининг қатъий саъй-ҳаракати тўғрисида ҳозирча юзлаб кишиларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари тикланди. Тушган аризаларни ўз вақтида қўриб чиқиш, тегишли чора-тадбирлар белгилаш диққат марказида. Агар уларни мазмуни умумлаштиришдан бўлса, кўпчилиги жиноят сулло масалалари, уй-жой ҳу-

нинг ишингиз турли бўғиндаги ҳуқуқ-тартибот органлари билан бевосита боғланган. Ана шу ҳамкорлик ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Биз вазирликлар, идоралар, судлов муассасалари билан ўзаро ҳамкорликда иш олиб борамиз. Кўпинча бирон масалани ҳал этиш учун дилдан қилинган самимий сўҳбат, парламент вакилининг сўрови ёхуд тақдирномаси кифоя. Баъзан эса қатъийроқ бўлишга тўғри келади. Айтايлик, яқинда ҳарбий қисмлардан бирида вакилнинг шахсий аралашуви билан кейингина амалий чора-тадбирлар қўрилди. Гап шундаки, телевидение орқали намойиш этилган кўрсатувлардан бирида мазкур қисмдаги шарт-шароит ҳа-

қайдсиз (пропискисиз) яшаб келган. Яқинда ётоқхона ер майдони билан бошқа идорага сотиб юборилди-ю, оила бошпанасиз қолади. Қонун бўйича улар вақтинча уй-жой олиш ҳуқуқига эга эмас. Узимча ўйлайман: нима қилиш керак? Қайси йўл билан оилага ёрдам бериш мумкин? Шу масалада кўп жойларга мурожаат қилдик. Ҳозирча натижа бўлмапти. Алоқа вазирлиги эса ўз ходимига янги уй олиб бериш учун ортиқча маблағ тополмапти. Нега одамлар ўз ҳақ-ҳуқуқлари ҳақида олдинроқ ўйлаб қўришмайдилар? Ахир, адолатли қонунларини ўзларнинг манфаатларини кўзлайтиш-ку. Ҳамма баало қонимизга сингиб кетган, лоқайлик ва совуққонликда бўлса керак.

сан, ўз шахсий ишлари билан келишса, хотин-қизлар аксарият яқинлари, қариндош-уруғлари учун ёрдам сўраб мурожаат қилишди.

Эн атрофдагилар билан самимий муносабатда бўлиш, уларнинг ҳурмати жойига қўйиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир. Менга ана шундай руҳда сабоқ берган қадрдон падаври бузуруқворим раҳматли, Шароф Рашидовдан бир умр миннатдорман. Зеро, у зот одамларни беҳад сева ва уларнинг қалбини чуқур тушунар эди. Яхшидан шарофат деганлар шу бўлса керак.

— Республикада инсон ҳуқуқларини сақлаш ва ҳимоя қилиш бўйича халқро ҳамкорликни мустақамлаш юзасидан қандай ишлар амалга ошириляпти?

ҲАР БИР ЎЗБЕКНИНГ, ҲАР БИР ЎЗБЕКИСТОНЛИКНИНГ АЙНИ КҮНГЛИДАГИ ХУЛОСА

Ўзбекистон ҳар қандай соғлом интеграция тарафдоридир. Уни ҳар хил иқтисодий-сиёсий блокларга қайтаришга ҳамда унинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши чекланган қаратилган уришлар мутлақо номақбулдир. Қуни кеча парламентимиз ўзининг сўнгги сессиясида Россия Федерацияси давлат Думасининг Беловеж битимларини денонсация — бир томонлама бекор қилиш тўғрисида чиқарган қарорини ҳамда собиқ Иттифоқ ҳудуддаги давлатлараро муносабатларда юз бераётган айрим жараёнлар муносабати билан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгиси ва республикамиз халқ депутатлари кенешларининг қабул қилган қўшма қарори хулосаси ана шундай эди. Бу хулоса ҳар бир ўзбекнинг, ўзбекистонликнинг айна кўнглидаги хулосасидир.

тисодий-илмий салоҳияти юксак мамлакатдир. Яқинда кучли етти мамлакат раҳбарларининг Москвада бўлиб ўтган учрашуви ва унда оламшумул муаммоларни баҳамжидат ечишга келишиб олгани бунинг ёрқин мисолидир. Бошқаларнинг изат-нафисига теғмай, ўз салоҳиятидан оқилона фойдаланса, мамлакатимизнинг маърифий нуфузи янада ортиши табиий. Ана шунда дунёвий муаммоларни бевосита ҳал этишяпти, бизнинг сариқ чақалик ҳам обрўимиз қолмади, деб жаврашга ўрин қолмайд.

луксиз ишлаши учун имконият яратган. Хўш, унда нега ишламаяпти? Ҳамма гап мана шунда. Бу механизмнинг ишлашига, биринчи навбатда, моддий манфаатдорлик, иқтисодий, давлатлардаги иқтисодий, ҳуқуқий тизимлар ҳар хиллиги, унинг ички, шерикнинг ишончилиги ва тўғрива қобил-ноқобиллик муаммоси халлақ бермоқда. Куч-ғайратлар айна муаммоларни ечишга қаратилса, интеграция-бозорлик қилишга ҳождат қолмайди.

устуворлик қилмоқда ва янги интеграциянинг яроқсизлиги тангал айтилди.

Тўғри, интеграция ҳар бир давлат учун керак. Унингсиз тараққийёта эришиб ҳам бўлмайди. Лекин ҳар қандай давлат ўзининг иқтисодий тизимларига қараб, уни юксалтиришнинг устувор йўналишларини белгилаб, бошқа мамлакатлар билан интеграцияга қўшилиши. Бошқаларни билмадик, аммо биз ўз салоҳиятимиз, имкониятларимизни чуқлаб чиқиб, устувор режаларимизни белгилаб олганмиз. Танлаган йўлимизни катта сиебсатчилардан тортиб, манамендан дабик иқтисодчилар ҳам эътироф этган ҳолда Ўзбекистоннинг яқин орада қудратли мамлакатга айланишини шпиритлашяпти.

Интеграция кўп жазибали, ёқимли сўз. Интеграция бу давлатларнинг манфаатларини умумлаштириш, муаммоларни биргаликда ҳал этиш дегани. Тараққийёт йўлидан дадил бораётган мамлакатларнинг ҳаммаси бир-бири билан ҳамкорлик тўғрисида муваффақиятга эришяптани ҳақ кимга сир эмас. Хўш, унда нега биз туғнаётган янги интеграцияга қўшилмасликни қатъий ёқлаб чиқаями?

Қўшилмай тўғри қиламиз. Чунки интеграциянинг интеграциядан фарқи бор. Мамлакатимиз раҳбари айтгандай, барча олижаноб мамлакатлар МДХ доирасида қабул қилинган ҳужжатлар негизида амалга ошириш мумкин эмасми? Жуда мумкин эди! Лекин Ҳамдустлик мамлакатлари раҳбарлари «интеграция ҳуржунга» шу қадар йўлиқшганики, йилора ташаббус кўтариб чиқмади. Булар одамларни кундалик муаммолардан атай қалғитиш, мамлакат етакчиларининг ўз халқи болиғи ва салоҳиятидан уквасиз фойдаланиш асоратидан ўзга нарса эмас, деб Президентимиз жуда тўғри таъриф берди. Шу ўринда биз янги интеграцияга кимлар асос солиётгани, нима мақсадларга тузилётганини бир кўр назар соласак, ҳамма-ҳаммаси ойдинлашиб қолади.

Рейнтерация муаммосидан Россия либерал-демократлар партиясининг раиси В.Жириновский ҳам унумли фойдаланмоқда. Унда аксарият шовинистик кучларни бирлаштирган мазкур партия мамлакатининг чегараларини собиқ Иттифоқ ҳудудларига қадар кенгайтириш, халқро ҳамжамият томонидан тўғрива ҳуқуқий эътироф этилган суверен республикаларнинг губернияга айлантириш ташаббуси билан чиқмоқда.

Россия Президентлигига номзодлар орасида фақатгина иқтисодий демократ Г.Я.Ливинский партиясига соғлом интеграция — суверен республикаларнинг тенг ҳуқуқли ихтиёрий бирлашувини ёқлаб чиқмоқда. Айна чоғда улар Россия-Белорусия ҳамжамиятининг номақбулликни, шартномалар ижроси норезалигини тангал айтишяпти.

Россиянинг ҳозирги раҳбарлари яқин-яқиндага Беларус (иқтисодий ислоҳоти ва суръати, билимидан орақда қолиб кетган, бирор табиий ресурс йўқ, нохўрақликдан бошқасига ярамайди, деган баҳоналар) билан яқинлашувини уларига эп кўрмаётган эди, шунга қарамай улар ҳам ўзиндан четда қолмадилар. Улар МДХ доирасида ҳавас қилса арзиғулик интеграция тузиш мумкинлигини яхши билса-да, айрича ҳолда белорус, қозоқ ва қирғиз бирорларимиз билан биргаликда интеграцияни чуқурлаштириш тўғрисида туртлар шартномасини имзолаб, янги бир «иттифоқ» эса содирлар ва унинг барча учун оқчиқлигини баён этидилар.

Барлигида кўзир туз қилаётгани бизни воқеликка тийрақроқ қарашга ундайди. Тийрақ нигоҳагина сунити интеграцион жараён замирига кўп ҳолатлар синдирилганлиги аёнлашди. Булардан биринчиси, Россия иқтисодий соҳаси СССРни тиклаш, унинг жуғрофий-сиёсий марказини, яъни ҳарбий қудратини оширишга қаратилган. Бу билан улар Россия чегараларини бир қадар узайтирдилар, минтақамизга, Кавказга ва Украинага муҳим мулоффа иншоотларига эғалик қилиб, Европа ва Осиёнинг олиқ мамлакатлари биланги тиклини аёнлаштириш, ўз-ўзини хўрлашди. Бозор иқтисодиёти маъмурий-тақсимотчилик замонада кимнинг қандай яшаганини, кимни ким боққани, кимнинг тайёргар айл бўлганини кимнинг аладоқлида маломатга қолганини бизга яққол кўрсатди.

Мажид қийинчиликлар қаршида довлдириб қолди, ўз муаммоларини ўзгалар ҳисобига ҳал этиш, тўғри йўл танлай олмадик бозор бир давлатлар раҳбарларининг янги-янги интеграция гониси билан чиқишига сабаб бўлмоқда. Афсуски, улар интеграция тузиш билан муаммолар ўз-ўзиндан ечиб қолмаслигини тушуниб етмаётганлар. Еки тушунишса ҳам атай эски йўлни танламоқда. Бу ҳаракат популист сиебсатчиларнинг пилиғига ёғ кўрсатди. Улар олдий оммани мана, мустақиллик сиз билан бизга нима берди, кеча бетам, беташвиш кун ўтказардик, бугун ҳолимизга маймулар йилгамоқда, умримизни бир тўғрам нон топи билан ўтказиб юборамизми қабилдаги арзон-таров гаплар билан қалғитмоқда.

Бир тўғрам нонга бутун бошли миллат манфаатларини, қадр-қимматини, гурурини курбон қилиш соғлом одамнинг иши эмас. Э-э-хўш биз одам, мамлакатимиз раҳбари айтгандай, мана мустақиллик нима берди, деб эмас, мен мустақилликка нима бердим, деб ўзига ўзи савол беради. Тириндик моҳияти шунда. Гарчи биз тиринликни моҳиятини болаларимиз тақдирини, уларнинг бахту саодатида кўраётган эканмиз, бу мустақиллик, Ватан тақдирига эшлигини ҳам унутмаслигимиз керак.

Бизингча, ташаббускорларнинг ўзи ҳам интеграцияни МДХ доирасида чуқурлаштиришдан манфаатдор эмас. Улар ўзларининг ношудликларини фақат мана шу йўл билан ниқоблашди ёки илгариларик жонинг ҳузурини қўриб яшашни хоҳласа, ягона ҳўжалик механизмининг шакллантирилик, деган фикрга боришган бўлса ажабмас. Нима бўлганда ҳам бу хатарли йўлидир. Унинг хатарлиги миллий ҳис-туйғуларга тегиши билан изоҳланади. Бир миллатнинг иккинчи бир миллат устидан ҳўкм юритиши, зураволик қилиши иккинчи, қоласера учинчи миллига ҳам биринчигига нисбатан адолат ва нафрат уйғотади. Бундан чиқадиган хулоса шуки, интеграция қай шаклда бўлмасин, у тенг манфаатдорлик, ҳўқуқ ва ўзаро ҳўрмат асосига қўрилиши керак.

Эсимизда бўлса, муҳтарам юрбошимиз ўз қишқирларнинг бирида Россия Федерацияси президентлигига сайловлар арафасида ҳар хил ўйлар чиқиши мумкин, деган фикрни билдирган эдилар. Буни қарангки, айна дамба собиқ Иттифоқ ҳудудига реинтеграция муаммосида Россияда бошқа республикаларда кескин говий-сиёсий курашга айланиб қолди. Туб ислоҳотларнинг барбод бўлиши, иқтисодий-иқтисодий бир жойда депрессия қилиниши, аҳоли турмуш тарзининг тушиб кетиши, мамлакат ички ва ташқи сиебсатининг изчил йўналишга эга эмаслиги ва бошқа бир қатор сабаблар интеграция ўзинини майдонга олиб чиқди. Бу ўйлар Россия ва бошқа мамлакатлар сиебсатчиларини учун жуда қўл келди. Улар бу билан нафақат ўз халқларини, балки собиқ Иттифоқда бақимти яшаган барча халқлар хоҳиш-иродасини ифода қилаётганини уқтурмоқдалар. Ҳақиқатан ҳам шундайми? Шундай бўлса улар кимлар?

Россиялик коммунистлар раҳнамоси Г.Зюганов компартия емирилгандан буюн СССР яқинлиғи атай бўлди, деб ҳисоблайди ва бу тарихий адолатни тиклашнинг ашаддий тарафдори эканини бир зум бўлса-да, оммандан яширган эмас. Ана шу шпир зоғановчиларнинг Россия парламен-

тидан юқори ўрин олишига имкон туғдирди. Бундан хайратга тушмаслик керак. Чунки собиқ Иттифоннинг тикланиши мазохурак коммунистларнинг ва ўша даврда егани олдига, емагани кетида бўлган халқларнинг яққо ягона ору-мақсадаларидир.

Рейнтерация муаммосидан Россия либерал-демократлар партиясининг раиси В.Жириновский ҳам унумли фойдаланмоқда. Унда аксарият шовинистик кучларни бирлаштирган мазкур партия мамлакатининг чегараларини собиқ Иттифоқ ҳудудларига қадар кенгайтириш, халқро ҳамжамият томонидан тўғрива ҳуқуқий эътироф этилган суверен республикаларнинг губернияга айлантириш ташаббуси билан чиқмоқда.

Россия Президентлигига номзодлар орасида фақатгина иқтисодий демократ Г.Я.Ливинский партиясига соғлом интеграция — суверен республикаларнинг тенг ҳуқуқли ихтиёрий бирлашувини ёқлаб чиқмоқда. Айна чоғда улар Россия-Белорусия ҳамжамиятининг номақбулликни, шартномалар ижроси норезалигини тангал айтишяпти.

Россиянинг ҳозирги раҳбарлари яқин-яқиндага Беларус (иқтисодий ислоҳоти ва суръати, билимидан орақда қолиб кетган, бирор табиий ресурс йўқ, нохўрақликдан бошқасига ярамайди, деган баҳоналар) билан яқинлашувини уларига эп кўрмаётган эди, шунга қарамай улар ҳам ўзиндан четда қолмадилар. Улар МДХ доирасида ҳавас қилса арзиғулик интеграция тузиш мумкинлигини яхши билса-да, айрича ҳолда белорус, қозоқ ва қирғиз бирорларимиз билан биргаликда интеграцияни чуқурлаштириш тўғрисида туртлар шартномасини имзолаб, янги бир «иттифоқ» эса содирлар ва унинг барча учун оқчиқлигини баён этидилар.

Барлигида кўзир туз қилаётгани бизни воқеликка тийрақроқ қарашга ундайди. Тийрақ нигоҳагина сунити интеграцион жараён замирига кўп ҳолатлар синдирилганлиги аёнлашди. Булардан биринчиси, Россия иқтисодий соҳаси СССРни тиклаш, унинг жуғрофий-сиёсий марказини, яъни ҳарбий қудратини оширишга қаратилган. Бу билан улар Россия чегараларини бир қадар узайтирдилар, минтақамизга, Кавказга ва Украинага муҳим мулоффа иншоотларига эғалик қилиб, Европа ва Осиёнинг олиқ мамлакатлари биланги тиклини аёнлаштириш, ўз-ўзини хўрлашди. Бозор иқтисодиёти маъмурий-тақсимотчилик замонада кимнинг қандай яшаганини, кимни ким боққани, кимнинг тайёргар айл бўлганини кимнинг аладоқлида маломатга қолганини бизга яққол кўрсатди.

Мажид қийинчиликлар қаршида довлдириб қолди, ўз муаммоларини ўзгалар ҳисобига ҳал этиш, тўғри йўл танлай олмадик бозор бир давлатлар раҳбарларининг янги-янги интеграция гониси билан чиқишига сабаб бўлмоқда. Афсуски, улар интеграция тузиш билан муаммолар ўз-ўзиндан ечиб қолмаслигини тушуниб етмаётганлар. Еки тушунишса ҳам атай эски йўлни танламоқда. Бу ҳаракат популист сиебсатчиларнинг пилиғига ёғ кўрсатди. Улар олдий оммани мана, мустақиллик сиз билан бизга нима берди, кеча бетам, беташвиш кун ўтказардик, бугун ҳолимизга маймулар йилгамоқда, умримизни бир тўғрам нон топи билан ўтказиб юборамизми қабилдаги арзон-таров гаплар билан қалғитмоқда.

Бизингча, ташаббускорларнинг ўзи ҳам интеграцияни МДХ доирасида чуқурлаштиришдан манфаатдор эмас. Улар ўзларининг ношудликларини фақат мана шу йўл билан ниқоблашди ёки илгариларик жонинг ҳузурини қўриб яшашни хоҳласа, ягона ҳўжалик механизмининг шакллантирилик, деган фикрга боришган бўлса ажабмас. Нима бўлганда ҳам бу хатарли йўлидир. Унинг хатарлиги миллий ҳис-туйғуларга тегиши билан изоҳланади. Бир миллатнинг иккинчи бир миллат устидан ҳўкм юритиши, зураволик қилиши иккинчи, қоласера учинчи миллига ҳам биринчигига нисбатан адолат ва нафрат уйғотади. Бундан чиқадиган хулоса шуки, интеграция қай шаклда бўлмасин, у тенг манфаатдорлик, ҳўқуқ ва ўзаро ҳўрмат асосига қўрилиши керак.

Бугуннинг гапи

Халқ банки: ижтимоий ҲИМОЯНИНГ ЯНГИ УСУЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Халқ банки бошқарувининг раиси Н. МУХИДИНОВ билан суҳбат

ИМТИЁЗЛИ ҚАРЗЛАРУ ТЕМПР ҚУТИЛАР

— Нуриддин Фахриддинов, банк тизимини такомиллаштириш, банкларнинг мустақиллигини, пул муомаласидаги аҳоли учун жавабгарлигини ошириш, пул-кредит муносабатларини тартибга солиш ва уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида ҳукуматимиз томонидан бир қатор қарорлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 4 октябрдан «Ўзжамғармабанк»ни Ўзбекистон Республикаси Халқ банкига айлантириш тўғрисидаги қарори шулар сирасига кириди. Сўбатимиз аниқ шу ҳақиқатнинг мазмун-моҳияти ва унда яилари суридан нафалдорлар бўлсалар...

га ошириш, турли туловларни қабул қилиш каби тўқсондан зиёд турдаги хизматлар кўрсатишмоқда. Бу ишларнинг сифати, ўз вақтида бажарилиши учун эса кенг тармоқчи компютер тизимидан фойдаланиш йўлга қўйилмоқда.

— Ривожланган мамлакатларнинг макронисидиётида қимматли қозғалар бозори миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш, пул инфляциясини пасайтиришнинг асосий воситаси ҳисобланади. Бунда бу борада қандай тадбирлар амалга ошириляпти?

— Ҳозирги пайтда бу бозорнинг энг омалашган объекти қисқа муддатли давлат облигацияларидир. Унинг аҳамияти шуандаки, қорхона, ташкилот ва муассасаларда вақтинча бўш турган пул маблағларини ишлаб чиқаришга жалб этилиб, шу тариха моливий ресурслар ҳаракати тезлаштирилади. Шунинг учун 14 та тижорат банки қаторида бизнинг банкимиз ҳам қисқа муддатли давлат облигацияларини сотиш учун дилерлик-воситачилик ҳуқуқини олди.

Айни кунларда у республика қимматли қозғалар бозорининг «Кимодиш» саволарида фаол иштирок этиб, бу бозорнинг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

«КАПИТАЛ» ВА «КАПИТАЛ-ЛОК»...

— Республика раҳбарияти томонидан олиб борилган кучли пул-кредит сисети натижада инфляция даражасининг пасайирилиши, пул қадриятлашининг камийтирилиши эришилди. Ўз навбатида 1995 йилнинг учинчи чорагида республика валюта биржаси томонидан ўтказилган банклараро кредит маблағларининг «Кимодиш» саволарида пул ставкаларининг 225 дан 84 фоизга тушгач, кредит маблағлари бўлиши омонатлар бўйича пул ставкаларини ҳам қайта қўриб чиқиш зарурлиги туғдирилди эди. Лекин Халқ банкда 1995 йилнинг охиригача унинг даражаси туширилмади. Бунинг сабаби нимада?

— Биринчидан, Халқ банки — давлат банки. Иккинчидан, у халққа хизмат қилиш мақсадида ташкил этилган. Шу боис бошқарув аппарати аҳоли омонатлари бўйича пул ставкаларини пасайтиришга қарор қилди. Қошари, республикамиз мустақилликка эришганидан бундан бешта аҳоли омонатлари бўйича пул ставкалари бир неча бор ўзгартирилганлигидан хабардорсиз. Хусусан, бундай ўзгаришлар инфляция даражасига қараб, талаб қилиб олинганча сақланадиган омонатлар бўйича 2 фоиз-

дан 40 фоизгача, муддатли омонатлар бўйича 5 фоиздан 120 фоизгача қўрилди. Омонатларнинг қўйилган вақти ва шартларидан қатъий назар, ҳамма омонатлар бўйича пул ставкалари оширилган қулдан бошлаб қўйилди.

Бундан ташқари, муддатига қараб, омонат миқдорида 30 фоиздан 120 фоизгача даромад туланадиган қисқа муддатли депозит саволари, пул ҳар ойда туланадиган «Капитал» ва «Капитал-лок» омонатлари жорий қилинди. Бу тадбирлардан қўланган мақсад битта: аҳоли қўлига бўш пул маблағларини омонатларга жалб этиш, уларни инфляция тасиринда қадриятлашдан муҳофиза этишдир.

Бироқ инфляция даражасининг пасайиши, миллий валютанинг макронисидиёти билан Халқ банки бошқаруви ҳам 1996 йил 1 февралдан бошлаб аҳоли омонатлари бўйича пул ставкаларини тушириш тўғрисида қарор қабул қилди. Лекин бу ҳужжатда омонатчиликнинг ҳуқуқларини ҳимоя этиш назарда тутилган бўлиб, омонатнинг муддати ва шартларидан қатъий назар, улар ишлаган вақтда омонатларнинг талаб қилиб олишлари мумкин. Ҳэрро, омонатларга пул қўйиш ихтиёри: ҳар ким маблағини ўзига маълум усулда ишлатиш, жойлаштириш ёки саклаш ҳуқуқига эгадир.

ИНФЛЯЦИЯ СУРЪАТИ: 16,9 ФОИЗДАН 2,2 ФОИЗГАЧА

— Халқ банки муассасаларида жалб этилган аҳоли пул маблағлари қандай мақсадлар йўлига ишлатилди?

— Бу маблағлар республика Марказий банкнинг валюта биржасида бошқа тижорат банкларига кредит ресурслари сифатида сотилади ва халқ ҳужжалигининг устувор тармоқларини ривожлантиришга йўналтирилади.

Маълумки, Марказий банк ҳам, тижорат банклари ҳам иқтисодиётни барқарорлаштириш учун пул-кредит, бюджет ва соғлиқ тизимлари хизматидан фаол фойдаланадилар. Айни чоғда Марказий банк бош резерв фонди сифатида фаолият кўрсатиб, барча тармоқларда пул-кредит ресурсларининг мувозанатини сақлайди. Бу усул жаҳондаги барча ривожланган мамлакатларда амалда қўланилиб, синовдан муваффақиятли ўтган. Шу жиҳатдан олганда, иқтисодий ва моливий барқарорликни таъминлашда, миллий валюта — сўмининг қадрини ошириш ва инфляция суръатини пасайтиришда Марказий банк томонидан ўрнатилган пул ставкалари муҳим аҳамият касб этади. Маса-

дан, у 1995 йил 1 августдан бошлаб марказлашган кредит маблағлари учун оинга 7, йилга эса 84 фоиз миқдорда пул ставкалари белгилади. Бу ҳол ўз навбатида қорхона, ташкилот ва муассасаларнинг ишлаб чиқариш фаолиятига ижобий таъсир кўрсатиб, маҳсулотлар тананарининг пасайишига, фойда тушумининг орттишига ва ишлаб чиқаришга янги техника ва технологияларни жорий этишга имкон яратди. Илгор техника ва технологиялар туғдириши эса қисқа муддатларда бозорни сифатида ва арзон товарлар билан тўлдиршига эришилди. Пировастанда муомалали миллий валюта — сўмининг қадри ошиб, инфляция суръатлари пасайди. Фикримизнинг далили сифатида рақамларга мурожаат қилайлик. Агар 1995 йилнинг бошида ойлик инфляция суръати 16,9 фоиз даражасида бўлса, йил охирида бу кўрсаткич 2,2 фоизни ташкил этди.

— Сиз бон Халқ банки томонидан «Капитал» ва «Капитал-лок» омонатлари жорий этилгани ҳақида гапириб ўтишти. Улар қандай афзалликларга эга?

— Биласизми, ҳукуматимизнинг иқтисодиётида моливий барқарорликни шакллантиришга қаратилган қатъий моливия-кредит сисетини оғишмай амалга ошириш мақсадида банклар томонидан пасайтирилган пул ставкалари белгиланди. Бунда, албатта, миқдорларнинг омонатлардан манфуратлиги ҳисобга олинди. Масалан, Халқ банкнинг «Капитал» ва «Капитал-лок» омонатлари бўйича белгилашган янги пул ставкалари ойлик инфляция даражасига нисбатан қарийб 2,5 баробар юқоридир.

Халқ банки доимо аҳоли манфуратларини қўлаб, уларнинг омонатдаги пул маблағларини инфляция жараҳатларидан ҳар томонлама ҳимоя қилиб келган. Биз бундан кейин ҳам омонатларга туланадиган пул ставкаларини пулнинг қадриятлашини таъминлаш мақсадида белгилаб бораверамиз. Бир мисол, 1996 йилнинг биринчи чорагида Халқ банки муассасаларида аҳоли омонатлар қўйилди. Шу жузладан, фақат февраль-март ойларида 345 млн. сўмлик 28,8 митта янги «Капитал» ва «Капитал-лок» омонатлари очилди. Бундай ижобий ҳолатларнинг бошқа омонат турлари бўйича ҳам қўзилиш мумкин.

Қисқаси, Халқ банки ва унинг жойлаштирилган бўлимидаги пул мажозлари манфуратларини ҳимоя қилган ҳолда хизмат маданияти ва унинг унмдорлигини ошириш йўлида тинимсиз фаолият кўрсатаверади.

— Халқ сўзи» муҳбири И. ЎТБОСАРОВ суҳбатлашди.

ФИКР-МАЪЛОҲАВА ЛАРИНГИЗНИ ҚУТЛАМIZ, АЗИЗ ТАВАЗЕЪТХОН!

Янги жамият қуриш мамлакатимизда ҳамма соҳалар, жумладан, журналистика ҳам туб бурилишни тақозо этади. Бу борада «Халқ сўзи» жамоаси ҳам қатор режалар тузди. Аммо азиз тавазотларнинг фикри-роҳатлари ушбу режаларни янада тўлдиршига ишончимиз комил. Худди ана шу мақсадда сизлар билан кичик бир «сўров» ўтказишга жазм қилдик. Ўйлаймизки, унинг саволлари сизларни қоқайди қолдирмайди.

1. Сиз «Халқ сўзи»ни қачондан буйн ўқийсиз? Унда обунамисиз ёки киоскадан сотиб оласизми?

2. Газетада чоп этилган қайси мақолалар сизга маъқул ва нимаси билан?

3. Мақолаларнинг мазмуни, услуби, сависиси ҳақидаги фикрингиз.

4. Газета орқали машҳур кишиларнинг қайсилари билан урашишни истайсиз?

5. Сизнингча, қайси мавзулар редакция диққат марказидан четда қоляпти.

6. Газетанинг сависисини янада қўлтириш учун нималарга эътибор бериш керак, деб ўйлайсиз?

7. Қайси мавзулар ўқувчиларни кўпроқ қизиқтиради деб ҳисоблайсиз?

Хатларингизни қутламиз. Улар, албатта, газетани янада мазмунли, рағбаранг, қизиқарли бўлишига ёрдамлашади, деб умид қиламиз.



БОҚИБЕГАМЛАРМИЗ...

Биз Янгиариқ тумани Ленин (?) номи жамоа ҳужалигида истиқомат қиламиз. Ота-онам ўқитувчи, ўзим эса далада меҳнат қиламан. Ушбу мақтубий ёзишимдан мақсад шуки, мана тўрт ойдан бери мактаб ўқитувчиларига ойлик маош берилмапти.

А.ИЛЁСБАЕВ, Ўрта Чирчиқ тумани.

РАИС РУХСАТ БЕРМАЁТГАН ЭКАН...

Бўстон қишлоқ аҳли 1968-69 йилларда Шеробод чўлларини ўзлаштириш учун биринчилардан бўлиб келган эди. Ташландиқ ерларни обод қилди. Уша пайтларда шароит оғир бўлишига қарамастан, қишлоғимиз меҳнатқашлари чўлда боғу бўстон барпо этидилар.

Х.ОТАБОВЕВА, Хоразм вилояти.

ҚАЧОН ЯХШИЛАНАДИ?

Қишлоғимиз аҳолиси, асосан, пахта, бугдой ва бошқа қишлоқ ҳўжалик эканларини етиштириш билан шуғуланади. Далада ишлаган меҳнатқашларнинг кўпчилиги 1994 йилги муқофот пуллари ни одишолмапти. Ҳўжалик идорасига бораск: «касада пул йўқ», деб жавоб беришади. Бундан ташқари қишлоқда электр энергияси симёғочларнинг базиларини яроқсиз ҳолат келиб қолган.

«БУЮК ИПАК ЙЎЛИ»

хафталик хайрия лотереясининг 1996 йил апрелдаги ўйини натижалари жадвали

Table with columns for ticket numbers, series, and prizes. Includes sub-headers for 1-muqofot, 2-muqofot, and 3-muqofot.

Ютуқ чиққан билетлар учун пул муқофотларини Ўзбекистон Республикаси Халқ банкининг ҳамма бўлимлардан олиш мумкин.

УСТОЗНИ ЭСЛАБ

Таникли ўзбек тилшуноси, профессор Худойберди Дониёров таваллудининг 70 йиллиги муносабати билан

Ўзбек халқи ва тилининг шаклланиш тарихини тўғри белгилаб, маълум бир ҳулосага келишда тарихий ёзма манбалардаги маълумотлар билан бирга қадимги уруқ, қавм, қабилалар ва уларнинг тилини ўзидан муҳасамалаштириб келган ҳозирги ўзбек тилининг диалект ва шева материаллари ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Худди ана шу йўлдан борган таникли тилшунош-филолог-лингвист олими Е. Полянов, А. Бороков, В. Рещетов, Ш. Шойбуракхонов, Ф. Абдуллаевлар қатор самарқандлик олим, профессор Худойберди Дониёров ҳам йирик илмий-тадқиқотлари амалга ошира олди. Олимнинг икки сериора бўлиб, дастлабки даврларда у адабий-бадний маънавиятимиз назарий масалалари янги адабийшунослик ва бадний услуб масалалари билан шуғуланган. У борада қатор муваффақиятларга эришти. «Сўз саниати» (1962 йил), «Ўзбек эомит адабияти» (1969, 1978 й. С. Мираев билан ҳамкорликда), «Адабий тил ва бадний стили» (1988 й. Б. Илудов билан ҳамкорликда) каби илмий монография тадқиқотлар ва дарс ўқиди, олим адабийшунослик ва халқ адаби иншооти бўйича ўтган барча илмий асарларини ўзининг мустақил фикрлари билан чиқариш қилиб, мунозарали масалаларни ҳал этишда фаол иштирок этиб келган. Айниқса, халқимизнинг минг йиллар тарихига эга бўлган эпослардан «Алпамиш» достонининг қоралинишга қарши муборот ва аниқ оғзаки иншоотининг ушбу ноидр ёдгорлигининг сақлаб қоллиниши ва ўз маълумлигига қайтарилишига олимнинг ҳам ҳиссаси катта бўлган эди.

Профессор Х.Дониёровнинг иккидан филологиянинг асосини ўзбек тилшунослиги ҳоқидасида илмий тадқиқотлар ташкил этди. Унинг иккидан ўзбек тилининг фонетикаси, лексикаси, синтаксис, морфологияси, лексикаси, синтаксис, тарихи ва этнографияси каби қатор соҳалари ўз аксини топган. Олим

ўзбек халқ шеваларини ўрганиш билан ҳам машғул бўлиб, шеваларнинг тарихи ва шева аксилари этник қатламни аниқлаш ҳамда лексик бойлик тўлиган. Дастлабки илмий кузатишларнинг натижаси сифатида 1954 йили Жиззах вилоятига қарашли Баҳмал шевасининг тили бўйича номмадаки диссертацияси ёзди. Шундан сўнг «Ўзбек халқининг шева ва шевалари» (1963) асарини китобшарҳга тақдим этди. Кўнчилик олимлар қадимги умумтўркий элат ва унинг адабий тилининг шаклланишида асосий рол ўйнаган «корлик-чили-уйгур-ўйиз-қитчқок» қабилаларининг тили ҳозирги ўзбек халқи ва тилининг шаклланишига асос бўлганини тили ҳал этишган. Бу қабилалар тарихида ўзбек уруғи ҳам бўлганинига шубҳа йўқ. Бу фикрни ўзбек халқ диалектлари, тил материаллари ҳам тасдиқлади. Профессор Х. Дониёров ўз асарида худди ана шунга кенг ўрин берди. Дарҳақиқат, ўзбек халқининг тарихи-шакараси олим таълиқлагандек 92 урудан ташкил топган. «Қўтлар» ва «Насабном»даги 92 уру-қабилалар номи ўзбек диалект шевалари, айниқса, қитчқок ўзбеклари диалекти аксиллари тилида ҳозир ҳам сақланган. Олим худди ана шу маълумотларни ёзиб олади. У ўзбек уруғларининг 92 тасини катта яъни она уруғлар деб қараб, 300 тасини эса уларнинг шавобчалари ёки кичик тармоқлари эканлигини ўз асарида қандай этган. Ўзбек халқининг этник тарихини ўрганишда диалектлар орасида қитчқок ўзбекларининг тил материаллари алоҳида аҳамият касб этишини олим ўз асарида ўрнини таълиқлаган. Қандай этиш лозимки, ўз она тили ва халқининг этник тарихини билиш ва қитчқок шеваларининг тил материалларини кенг

ТАШКИЛОТ ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН СОТАДИ:

«ГАЗ-24» га эҳтиёт қисмлари; автотиналари: - 240-508; - 260-508; - 185-14; - 205-14; - 185-15 (РАФ); - 370x508; - 220x508; - 320x508.

ТЕЛ.: 360-018, 360-754, 785-482.

«ОЛТРАСТ» инвестицион фирмаси (ЎЗР Молия вазирлигининг лицензияси №134) тугаш муддати ҳар хил бўлган ВЕКСЕЛЛАР сотиб олади. Мурожаат учун телефонлар: 77-44-77, 77-75-52. Тошкент ш., Қирққиз қўчаси, 10.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси ва Ўзбекистон санатория курортлар бирлашмаси жамоаси «Ситорани моҳи хосса» санаторийси директори А.Ҳакимовга опаси Шарифа ҲАКИМОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Advertisement for Central Asia agro food 96, featuring a logo, contact information, and a list of products like flour, oil, and sugar.

